**ДТСЖ Сирдарё вилояти бўлинмаси томонидан 08 мартдан 14 мартга қадар амалга оширилган ишлар юзасидан**

# МАЪЛУМОТ

Тасдиқланган режа-графикга асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 05 сентябрдаги "Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-311 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 11-14 март кунларида Сирдарё вилояти қон қуйиш стацияси, Сирдарё вилояти ОИТСга қарши курашиш марказларида ўрганиш ўтказилди. Бундан ташқари Республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиали, Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Янгиер шаҳар тиббиёт маркази ҳамда Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохоналарида жорий йил февраль ойида даволаниб чиққан беморларнинг клиник харажатлар грухлари ҳақонийлиги ўрганалди, оғиш коэффиценти хато критилганлиги аниқланди ва аниқланган хато камчиликлар юзасидан маълумотнома тузилиб марказга тақдим қилинди. 2025 йил 8 мартдан 14 март кунигача mis2.ssv.uz ахборот тизимида тиббиёт муассасалари томонидан 066-066/1 х/шаклини тўғри киритилаётган ҳолати мониторинг қилиб борилмоқда.

**ДТСЖ Сирдарё вилояти бўлинмаси молия-иқтисод бўлими**

ДТСЖ Сирдарё вилояти бўлинмаси молия-иқтисод бўлими томонидан хафта давомида қуйидаги топшириқлар амалга оширилди.

- 2025 йил учун минимал талабни хисоб-китобларга асосан шакллантириб жамгармага такдим этилди.
- Коммунал туловларни истеъмоли ва тўланган маблағлари бўйича муассасалардан йиғилиб марказни ички аудит хизмати бўлимига берилган жадвали асосида тўлдирилиб тқдим этилди.
- Иш хаққи бўйича сўровномалар муассасалардан йиғилиб марказ томонидан берилган жадвал асосида маълумот қилиниб тқдим этилди.
- Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан 02.03.2025 йилдаги 05/01-47-сонли берилган хатига асосан Сирдарё вилояти худудидаги тиббий муассасалар томонидан маълумотлар йиғиб олинди ва маказга тақдим этилди.
- Жамғарма билан шартнома қилган тиббиёт муассасаларининг 2024 йил учун ажратилган маблағларининг якуний хисоб китоблари қилиниб, 2024 йил бошидаги шартномага қўшимча келишувлар қилинди.
- 2025 йил 1-чорак учун қилинган шартномаларга қўшимча ўзгартиришлар киритилди. Барча тиббиёт муассасаларига шартномалар тарқатилиб хозирги кунда муассаса томонидан тасдиқланиб йиғиб олинмоқда.
- Жамғарманинг ички аудит томонидан ўтказилган ўрганиш натижасида Сирдарё вилояти худудидаги айрим тиббиёт муассасаларининг январ ойида амалга оширган ноурин харажатларини қайтариш бўйича худудий

Ғазначилик хизмати бошқармаси билан биргаликда қайтариш чоралари кўриб чиқилди.

- Сирдарё вилояти тиббий муассасалари тиомонидан февраль ойи хисоботлари қабул қилиниб, ушбу маълумот асосида 5-15% сертификатлар тайёрланди.
- Ташкилотлардан келган 2 та хатларга жавоб хатлари ўз вақтида берилди.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг 18-сон (23.07.24 й), 21-сон (30.07.2024 й), 19-сон (23.07.24 й) баён ва қарорларида "Реимбурсация дастурини жорий этишда амалга оширилган ишлар бўйича" ҳар ҳафта маълумот киритилиши топширилган.

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, Сирдарё вилояти ҳудудида 10-14 Март кунлари қўйидаги ишлар амалга оширилди.

Д назоратдаги беморларга ёзиладиган электрон рецептларни тўғри ёки нотўғри ёзилганлигини, беморлар ўзлари дори-дармонларини тўлиқлигича олганлигини анализ қилинди. Реимбурсация тизимида электрон рецептларни жуда кам ва умуман ёзмаган муассасаларга телефон ва телеграм платформаси орқали тушинтиришлар олиб борилмокда.

Реимбурсация тизимида Д назоратда турадиган беморларлар томонидан олинган электрон рецептларни харажатларини қоплаш мақсадида дорихоналар томонидан шакиллантириб ташлаб берилган хисоб фактуралар текширилиб олинмокда.Тўғри шакиллантирилган хисоб фактуралар марказ ходимларига юборилди. 2025 йил 2 ойлик шакиллантирилган реестрдан электрон рецептларда дорилар ёзилишини,микдори,дозаларини мониторинг қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги "Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-311 сонли карорига муофиқ Сирдарё вилояти Гулистон шахар Дўстлик худудий бўлимидаги шифокорларга Реимбурсация дастури бўйича .электрон рецепт шакллантирилиши тўғрисида маьлумот берилди ва 7 хил касаллик бўйича 27 турдаги дори дармонлар тўғрисида маьлумот берилди қизиқтирган саволларига жавоб берилди.

**ДТСЖ Сирдарё бўлинмаси**
**бошлиғи в.б** **А.Бегмуратов**
**14.03.2025 йил**